

Таррандачи тадбиркорнинг интенсив боғлари



Гап фақат ЖАРИМАДА ЭМАС...

ЧОРАСИЗЛИК ЧИЗИФИ



Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил 25 июль

ШАНБА № 48 (13309)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

МУКОФОТ МУБОРАК, БУГУННИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 июлдаги "Коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойилик кўрсатган юртошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ коронавирус пандемияси туфайли юзага келган мураккаб ва синовли кунларда ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, мавжуд хатарларга қарши курашиш, инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш, юртимизда санитар-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг матонати, билим ва салоҳияти, профессионал маҳоратини намоён этиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморлар ҳаётини асраш, уларга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги алоҳида хизматлари, шунингдек, ўз бурчи ва қасамёдига содиқ қолиб, зиммасига юкланган вазифаларни бажариш йўлидаги улкан жасорати ва фидойилиги учун бир гуруҳ юртошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

II даражали «Саломатлик» ордени билан
Зухуроفا Шаҳодат Жалиловна – Зангиота тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими шифокори
Пулатов Абдурашид Қаҳаржонович – Ўрта Чирчиқ тумани Ўртасарой карантин зонаси давлат корхонаси ошпази
Рискиев Бахтиёр – Тошкент вилояти ОИТСга қарши кураш маркази бош шифокори

«Содиқ хизматлари учун» медали билан
Имамов Отабек Сунатович – Тошкент вилояти тери-таносил касалликлари диспансери бош шифокори
Камалов Бекзод Нигматбекович – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси 22-сонли жазони ижро этиш колонияси бўлим бошлиғи

Каримов Феруз Фарҳадович – Ўрта Чирчиқ тумани Ўртасарой карантин зонаси давлат корхонаси директори

«Соғлом турмуш» медали билан
Имомназарова Джамиля Турсунбаевна – Ангрэн шаҳар тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими кичик тиббий ходими

Сайдуллаева Дилафруз Сирожиidinova – Республика шойлини тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиали бош хамшираси

Сапарова Муҳаббат Ердашевна – Тошкент вилояти ОИТСга қарши курашиш маркази эпидемиолог шифокори
Умарова Малохат Джураевна – Қўнрақ туманидаги 24-қишлоқ оилавий поликлиникаси хамшираси

«Шухрат» медали билан
Абдуқаҳорова Насиба Дурисалиевна – Бўка тумани 8-қишлоқ оилавий поликлиникаси патронаж хамшираси
Гулбоев Рўзимат Махмадали ўғли – Ангрэн шаҳар 4-оилавий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори
Раҳматуллаева Умид Бахтияровна – Юқори Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмасининг шойлини тез тиббий ёрдам бўлими кичик тиббий ходими

Тулбаев Эрк Алимжанович – Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ихтисослаштирилган автобазасининг Ўрта Чирчиқ тумани тиббий хизмат ҳайдовчиси

Хосилова Муқаддас Қобиловна – Зангиота тумани тиббиёт бирлашмасининг «Назарбек» юқумли касалликлар шифохонаси хамшираси

Юсупов Кабир Хусанович – Олмалик шаҳар тиббиёт бирлашмасининг шойлини тиббий ёрдам бўлими шифокори
Ярбеков Дилмурод Улугмуратович – Зангиота тумани ИИБ 6-ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Аввал хабар қилганимиздек, Нурафшон шаҳрида ташкил этилган махсус матбуот марказида вилоятда коронавирусга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар, мавжуд эпидемиологик вазиятдан аҳолининг хабардорлигини ошириш бўйича ҳар куни сектор раҳбарлари, тегишли мутасаддилар иштирокida брифинглар ўтказилмоқда.



Матбуот марказида брифинглар давом этади

Кўни кеча ана шундай санжуманларда вилоят ҳокимининг ўринбосари Жамшид Абдусаломов, вилоят прокурори, 2-сектор раҳбари Салом Самадов, вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи, 4-сектор раҳбари Раҳман Раимов, вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик маркази бош врач Абдуҳаким Сатвалдиевлар иштирок этиб, мавжуд вазият юзасидан ахборот бериш асносида, вилоят аҳолисига

ўз мурожаатларини йўллади. Мутасаддиларнинг мазкур чиқишлари мамлакатимиздаги бир қанча теле ва радиоканаллар, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги расмий манбалар орқали кенг намоиш этилди.

Қайд этилганидек, пандемия шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, вилоятнинг инвестиция ва экспорт салоҳиятини сақлаб қолиш ҳамда белгиланган режа прогнозларини бир метёрада бажариш юзасидан

таалай тадбирлар, истиқболли лойиҳалар ҳаётга татиқ этилмоқда.

Вилоят прокурори раҳбарлигидаги 2-секторга қарашли 6 та туман-шаҳарда айна пайтгача 822 нафар фуқарода корона вирус инфекцияси аниқланган (23 июнь ҳолатига). Уларнинг қарийб ярми тўлиқ тузалган. Бир нафар бемор вафот этган. Эҳтиёжманд оилаларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 1 минг 331 нафар фуқаро қишлоқ

хўжалиги соҳасига ишга жойлаштирилди. Иккинчи сектор раҳбарлари ташаббуси билан 2 минг 435 та янги иш ўринлари яратилди.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси брифингида маълум қилинишича, Ангрэн, Оҳангарон шаҳарлари, Бўстонлик, Оҳангарон ва Қўнрақ туманлари 4-секторга қарашли худудлар бўлиб, ўрганиш жараёнида бу шаҳар-туманларда 8 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилалар борлиги аниқланган. Пандемия шароитида уларга моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Ўтган вақт мобайнида тадбиркорлик субъектларидан давлат солиқ хизмати органларига 419 та мурожаат келиб тушган ва ушбу мурожаатлар Халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан қўриб чиқилиб 19,4 млрд. сўмлик мол-мулк, ер ва сув солиқлари тўлов мuddатлари кечиктирилди.



COVID-19 Алло, "Call-center" эшитадими?

Бугун юртимизда, шу жумладан, вилоятимизда ҳам коронавирус инфекциясининг аҳоли орасида кенг тарқалишига йўл қўймастик бўйича кескин кураш кетмоқда. Мазкур кўринмас ёвни енгиш борасида зарур чоралар кўрилиб, тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Хусусан, Президентимизнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида пандемия билан боғлиқ вазият муҳокамасига бағишлаб ўтказган

видеоселектор йиғилишидан сўнг бу борадаги ишлар янада жонланди. Жумладан, вилоятимизнинг барча туман-шаҳарларида 24 соат режимда ишлайдиган "Call-center" – тезкор тиббий маслаҳат марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Олмаликда вирусология лабораторияси очилади

Бугунги мураккаб шароитида коронавирус инфекциясини тезкор аниқлаш ва зарур чора-тадбирларни ўз вақтида қўллашни тақозо этмоқда. Айна шу мақсадда ОКМК АЖ раҳбарияти ташаббуси билан комбинат тасарруфидаги "Олмаликметаллургурилиш" трести меҳнат жамоаси томонидан Олмалик шаҳар санитария-осойишталик эпидемиологик маркази қошида замонавий мобил вирусология лабораторияси барпо этилмоқда, деб хабар беради ОКМК ахборот хизмати.

Трест бош муҳандиси Акмал Абдуқодировнинг маълумот беришича, комбинат раҳбарияти топшириғига биноан 15 июлдан қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Қурилиш ишлари 3 сменада ташкил этилган бўлиб, асосан трест ишчи-ходимлари томонидан олиб борилмоқда.

Лаборатория лойиҳаси Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги билан келишилган ҳолда комбинатнинг лойиҳа ишлари бошқармаси томонидан тайёрланди. Ҳажми 12х12 метр бўлган мазкур бинода 12 та хона мавжуд бўлиб, айна кунларда таъмир ишларининг деярли 90 фоизи бажарилган. Бинонинг вентиляция тизими буткул янгиланди. Шунингдек, канализация, иссиқ ва совуқ сув тизимлари, ободонлаштириш ишлари якунига етказилди. Энг муҳими, лаборатория тўлиқ жиҳозланиб, ПЗР аппарати ҳам келтирилади.

Лаборатория ишга тушиши билан олмаликликлар коронавирус инфекцияси бўйича топширилган таҳлил намуналари хулосасини 24 соатда олиш имконига эга бўлишади.

УЙДА ҚОЛИНГ!

Тошкент вилояти бўйича қисқа 1197 ҳамда шаҳар-туманлардаги "Call-center" марказларига 24 июль ҳолатига кўра, 3 минг 680 та мурожаат келиб тушди

Шундан, 3 минг 269 таси қаноатлантирилди.

Бугунги кунда вилоят бўйича карантин муассасалари ҳамда шаҳар-туманларда COVID-19 профилактикаси, касалланган фуқароларни уй шароитида даволаш жараёнида 2 минг 216 нафар шифокор, 4 минг 396 нафар

хамшира, 2 минг 350 нафар кичик тиббий ходим ва 570 нафар бошқа ходимлар (жами 9 минг 532 нафар тиббиёт ходимлари) фаолият олиб боришмоқда.

Вилоят бўйича инфекционист, умумий амалиёт шифокори, эпидемиологдан иборат 31 та "Мобил бригадалар" фаолият олиб боришмоқда.

COVID-19

Оддий қоидаларга амал қилинг:

1. Қўлингизни оғиз ва кўзингизга теккизманг;
2. Қўлларингизни тез-тез совун билан ювинг;
3. Ниқоб тақийшни унутманг;
4. Ижтимоий масофа сақланг;
5. Тана ҳароратингиз кўтарилса, шифокорга мурожаат қилинг.
6. Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинг.



Матбуот марказида брифинглар давом этади

Фармон ва ижро

Тан олиш керакки, узоқ йиллар давомида давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим кўрсаткичлари ўлчанадиган тизим жорий этилмаганлиги ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг очик рейтингини шакллантириш бўйича аниқ мезонлар бўлмаганлиги давлат хизматчиларининг иш самарадорлиги тушиб кетишига олиб келди.

САМАРАДОРЛИК – БОШ МЕЗОН

Давлат фуқаролик хизматчиларининг иш самарадорлиги ва компетенциясини баҳоловчи мезонларни, уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни белгилаш, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида барча даражадаги давлат фуқаролик хизмати нуфузини ошириш, коррупциянинг юзга келиши, расмийчилик ва бюрократияга имкон берувчи шароитларни йўқ қилиш, давлат органлари ва ташкилотларининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида 2019 йил 3 октябрда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Маъмур фармонга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги зиммасига давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Давлатимиз раҳбарининг топширигига кўра, давлат хизматчиларининг 2017-2020 йиллардаги иш фаолияти натижадорлигини аниқлаш мақсадида, Республикаимизнинг 11 та шаҳар ва туманида айни вақтда агентлик мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган фаолиятнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичи бир қатор баҳоловчи индикаторлар асосида синов тариқасида тажрибадан ўтказилмоқда.

Жумладан, Янгийўл тумани ва Янгийўл шаҳар ҳокими ва ҳоким ўринбосарларининг фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш ишлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш кераки, энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари давлат хизматчилари фаолиятининг натижадорлигини баҳолаш тартибини белгилайди ҳамда давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ўлчанадиган индикаторлари тизимини жорий этади ва уларнинг натижаларини таҳлил қилади.

Юқорида қайд этганимиздек, маъмур тизим Янгийўл тумани ва Янгийўл шаҳрида ҳоким ўринбосарларини аниқ

турибдики, маъмур кўрсаткичларининг ҳисоботи туман миқёсида эмас, балки Республика миқёсида олиниб, агентлик томонидан назорат қилинади ва кўрсаткичлар таҳлил этилади.

Умуман олганда, бу тизимда маҳаллий ҳокимият муваффақиятли иш олиб бориш билан бирга аниқ кўрсаткичларни белгилаб олишга эришади. Шунингдек, ҳар бир ҳоким ўринбосарларининг масъулиятини ошириб, иш самарадорлигини кўрсатади. Бу албатта, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг яшаш шароити ва турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади.

Зокир ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Тошкент вилояти филиали раҳбари

Шу билан бирга, Президентимизнинг тегишли фармонида кўра, тадбиркорларнинг 309 та муножаатлари бўйича 7,9 млрд. сўмлик мол-мулк, ер, сув, айланма солиқ ҳамда ижтимоий солиқ тўловларининг тўлов муддатлари Давлат солиқ инспекциялари раҳбарлари қарори билан фармонда белгиланган муддатларга қадар ортга сурилди. Кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда микрофирмаларнинг 2020 йил 15 май ҳолатига ер солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳосил бўлган пеня ва жарима суммалари (2 минг 800 дан ортқ субъектларнинг 5,1 млрд. сўмлик) ҳисобдан чиқарилди.

4-сектор ҳудудидаги мавжуд 8 минг 991 та эҳтиёжманд оилада 7

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

минг 47 нафар меҳнатга лаёқатли ишсиз аҳоли борлиги аниқланди.

Бугунги кунга қадар улардан 5 минг 625 нафари (80 фоизи) иш билан таъминланди, йил якунига қадар қолган 1 минг 422 нафар ишсиз фуқароларимизни ишга жойлаштириш бўйича аниқ режалар белгилаб олинган.

Брифинг иштирокчилари, шунингдек, ижтимоий тармоқларда кенг тилга олинаётган муаммолар масалалар, тармоқ фойдаланувчиларидан энг кўп тушаётган саволларга ҳам аниқ жавоб бердилар.

24 июль кунги ҳам брифинглар давом этади. Дастлаб Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Озода Паррибоева бошчилигида ўтган брифингга қайд

этилишича, жорий йилнинг 14 июлидан 23 июль кунига қадар Тошкент вилояти бўйича 1197 қисқа ҳамда "CALL-CENTER" маркази телефон рақамлари орқали 3 минг 680 та аҳоли муножаатлари қабул қилинган. Муножаатлар бўйича 3 минг 269 нафар эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат ва дори-дармон воситалари тарқатилди.

Навбатдаги брифингга Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Тўракул Арзиқулов вилоятда вирусга қарши курашишга жалб этилган шифокорлар, касалхоналарда яратилаётган янги ўринлар ҳақида маълумот берди.

Бугунги кунда вилоят бўйича карантин муассасалари ҳамда шаҳар-туманларда COVID-19 профилактикаси, касалланган фуқароларни уй шароитида даволаш

жараёнида 2 минг 216 нафар шифокор, 4 минг 396 нафар ҳамшира, 2 минг 350 нафар кичик тиббий ходим ва 570 нафар бошқа ходимлар фаолият олиб боришмоқда. Шунингдек, касалланганлар учун жами 670 захира ўринлар тайёрлаб қўйилгани таъкидланди.

Бундан ташқари, вилоят бўйича инфекциянист, умумий амалиёт шифокори, эпидемиологдан иборат бўлган 31 та "Мобиль бригадалар" фаолият олиб боришмоқда.

Бундай тадбирлар карантин даврида изчил давом эттирилади. Улар ҳақидаги тўлиқ ва тезкор маълумотлар билан телеграмм месенжеридagi @haqiqatonline каналимиз орқали батафсил танишиб бориң.

Аброр ЭСОНОВ
Тошкент ҳақиқати/
олган суратлар

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

ОЛМАЛИҚ шаҳар ҳокимининг фармоишига асосан, маҳаллий бюджетдан шаҳар тиббиёт бирлашмасига дори маҳсулотлари учун 150 миллион сўм, чойшаб ва ҳимоя воситалари учун 114 миллион сўм, жами 264 миллион сўм маблағ ажратилди.

ОҲАНГАРОН шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Анвар Турдубоев бошчилигида шаҳарда норасмий фаолият юритиб келаётган 300 га яқин шахс ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатида рўйхатдан ўтишига кўмаклашилди.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ тумани ҳокимлиги томонидан 480 та эҳтиёжманд (якка-ёлғиз кексалар, ногирон, ишсиз ва боқувчисини йўқотган) оилаларга 13 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.



ЧИРЧИҚ шаҳар деҳқон бозорида пандемия шароитида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш мислини йўлга қўйилди. Бунинг учун эса биргина кўнгиракнинг ўзи кифоя. Дастлаб сўралган маҳсулотлар оператор томонидан рўйхатга олинди ва қисқа фурсатларда миқдор кўрсатган манзилга жўнатилади.

ЧИНОЗ туманидаги М-39 йўлидан 4-К 755 автомобиль йўлининг "Эшонабод" маҳалла ҳудудини кесиб ўтувчи қисмида вилоят Транспорт бошқармаси ходимлари томонидан катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Хусусан, автомобиль йўли чеккасидаги инфратузилма объектлари, ташкилот ва корхоналар тасарруфидаги бинолар, аҳоли яшаш хонадонлари ва уларнинг томорқаларини тартибга келтириш учун зарур хом ашё ва қурилиш материаллари етказиб берилди. Шунингдек, "Бирлик", "Сутбулок", "Тонг юлдузи", "Эшонабод" маҳаллалари ҳудуди ва айрим хонадонлар ҳам таъмирланмоқда.



Хўш, бу марказларга муножаат қилаётган аҳолининг муаммолари қай йўсинда қаноатлантирилмоқда? Марказларга қандай мутахассислар жалб қилинган? Шу каби саволларга жавоб излаш мақсадида Нурафшон шаҳридаги "Call-center" даги жараён билан танишдик.

Маслаҳат марказида иш қизғин. Ҳар бир муножаат диққат билан тингланади, тегишли тарзда кўмак берилмоқда. Марказга олий тоифали шифокорлар, Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази ходимлари, мактаб психологлари жалб қилинган. Улар ҳар бир муножаат ортида инсон ҳаёти турганини чуқур ҳис қилган ҳолда керакли маслаҳат ва ёрдам беришмоқда.

Рақамларга муножаат қилсак, маъмур маслаҳат марказига бир кунда 50 дан зиёд муножаат келиб тушмоқда. Муножаатлар бевоқиф мутахассисларга йўналтирилмоқда. Кимдир бепул дори-дармон олиш, кимдир уй шароитида давола-

Зухриддин РАҲМОНОВ
Тошкент ҳақиқати /
Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

Таррандачи тадбиркорнинг интенсив боғлари

Оҳангарон туманидаги "Дога Юсуф" масъулияти чекланган жамияти ҳудудида таширф буюрганимизда жамият раҳбари Нуриддин Раҳматов даставвал бизни 10 гектар майдонда яратилган интенсив боғни кўришга таклиф этди. Олма, гилос, нок ва шафтоли дарахтлари экилган боғ ҳақиқатан ҳам гўзал эди. Тадбиркорнинг айтишича, бу йил нишона кўрсатган боғнинг ҳосилини келгуси йилдан бошлаб бозорга чиқаришни ҳам режалаштиришган.



2018 йилда асос солинган жамият асли таррандачиликка ихтисослашган. Корхона фабрикаларида ҳозирда 150 мингдан ортқ хоридан келтирилган маҳсулдор декалий насли товуқ парвариш қилиниб,



Ислохот одимлари

ниҳоятда эътибор талаб қиладиган соҳа, – дейди жамият директори Нуриддин Раҳматов. – Биз ишни пухта режа асосида ташкил этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Яъни, малакали мутахассислар ёрдамида дунё бўйича товуқларнинг тухум етиштиришга ихтисослашган маҳсулдор зотларини аниқлаш ва жўжаларини олиб келиб, кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Айни кунларда корхонамизда парвариш қилинаётган товуқ зотларини янада маҳсулдорлари билан янгилаш мақсадида Голландиядан 60 минг бош жўжа олиб келинди. Келгусида уларни ўзимизда кўпайтириб, маҳаллий аҳолига етказиб берамиз.

дой, маккажўхори, беда етиштирилади. Улардан тайёрланган озуқаларга турли микроэлементлар қўшилиб, товуқларга берилаётгани сабабли сифатли тухум ва парҳезоб гўшт маҳсулотлари етиштиришга эришилмоқда.

Дарвоқе, жамият йил сайин ўз фаолиятини кенгайтирмоқда. Биз юқорида бундан икки йил бурун корхона ҳудудида янги интенсив боғ барпо этилганини ҳақиқатан эдик. Жорий йилда эса балиқчиликка асос солинди. Ҳозиргача бир гектар майдонда барпо этилган олтига сунъий хавзаларга зоғора, оқ амур, дўнгпешона насли балиқларнинг чавақлари ташланди. Мутахассиснинг айтишича, кузга бориб, улар ўртача бир ярим килограммдан тош босади.


Бу ҳали ҳаммаси эмас. Корхона ҳудудидаги чорвачилик фермасида Австриядан олиб келинган 80 бош насли қорамол ҳам парвариш қилинмоқда.

Ана шунча гаплар. Изланган янги имконият эшиклари очилаверади. Аслида тадбиркорликдан кўзда тутилган мақсад ҳам шуда...

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,
Тошкент ҳақиқати/

Хизмат

Юртимизда коронавирус пандемияси авж олган ҳозирги шароитда узоғимизни яқин, оғиримизни энгил қилувчи транспорт воситаларига талаб, айниқса, ортган. Тошкент вилояти Транспорт бошқармасига қарашли ташкилотлар пандемия шароити қоидаларига риоя қилган ҳолда кечаю-кундуз фаолият олиб боришмоқда.



Гап фақат ЖАРИМАДА ЭМАС...

Карантин эълон қилинганининг дастлабки кунлариданоқ чегарадан транспортда, темир йўл ёки ҳаво йўллари орқали кириб келган ҳар бир йўловчини карантин зоналарига ташши, вирус аниқланганларни касалхоналарга етказиш, ҳар бир ташкилотда хизмат қилувчи ходимларни иш ва яшаш манзилларига олиб бориш каби қатор хизматлар бошқармаимиз томонидан ажратилган махсус транспорт ва автобусларда амалга оширилди.

Хусусан, Чирчиқ шаҳри ҳамда Бўстонлик, Қўрай ва Зангиота туманларида жойлашган 8 та санатория ва 1 та оромгоҳга, шунингдек, Юқори Чирчиқ туманидаги карантин зонасига 52 минг 318 нафар фуқаролар бошқарма томонидан ажратилган 1 минг 280 та автобусларда етказилди. Бу ишлар айни кунларда ҳам давом эттирилмоқда. Ҳар кун йўлга чиқадиган олдин автобусларнинг техник шайлиги текширилгандан сўнг тўлиқ дезинфекция қилинади. Барча ҳайдовчилар тиббий ниқоб, махсус комбинезон ва антисептик воситалар билан таъминланганлиги қатъий назоратга олинган.

Шунингдек, вилоят Транспорт бошқармаси томонидан вилоятимиз ҳудудига юк ва йўловчи ташувчилар орасида ноқонуний фаолият рўйхатга аниқлаш мақсадида ИИББ ҳамда ИХХБ ходимлари билан ҳамкорликда қатор рейд тадбирлари ўтказилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган олти ойлик яқунларига кўра, вилоят ҳудудига ҳара-

катланувчи транспорт воситалари ҳайдовчилари фаолиятининг қонунийлигини назорат қилиш мақсадида 830 та рейд ўтказилиб, 2 минг 408 та қоидабузарлик аниқланди.

Рақамлар тахлили шуни кўрсатмоқдаки, 613 та ноқонуний юк ташувчилар, 1 минг 768 та ноқонуний йўловчи ташувчилар судлар томонидан оғохлан-тирилиб, 1 минг 190 та автотранспорт воситаси эгаларига лицензия варақалари берилган. Шунингдек, қоидабузарлардан қарийб 390 миллион сўм давлат божи ундирилган.

Суд томонидан лицензия варақаси олмай фаолиятини давом эттирган ҳайдовчиларга нисбатан белгиланган жарима миқдори 808 миллион сўмни ташкил қилади. Шу пайтга қадар бу сумманинг 424 миллион сўми ундирилди.

Бундан ташқари, одам ва юк ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича 27 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган.

Таъкидлаш керакки, мақсад – ҳайдовчилардан жарима ноқонуний эмас, балки пандемия даврида барчамиз оғох бўлишимиз, йўловчи ва юкларнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Одатда, бошқармаимиз томонидан бир кунда вилоятимизнинг тахминан 800 минг

фуқаросига хизмат кўрсатилади. Албатта, тез орада ушбу рақамлар яна тикланиши ва юрдошларимиз намунали транспорт хизматидан тўлақонли фойдаланадилар.

Шу ўринда, юрдошларимиз ҳам транспортда юриш маданиятига риоя қилишлари, айниқса, бугунги синовди кунларда тиббий ниқоб тақиш, оралик масофани сақлашга эътибор беришлари, ҳар бир инсоннинг соғлиги ўз қўлида эканини ҳис қилишларини таъкидлашни истардим.

Зеро, Президентимиз айтганларидек: **"Биз пандемияни қачон енгамиз? Қачонки, ҳар бир одам ўзидаги бепарволикни енган, ўзи, оиласи ва фарзандлари, бутун халқимиз ҳаётига масъулият билан қарайдиган бўлса."**

Садриддин ШОҚОСИМОВ,
вилоят Транспорт бошқармаси бошлиғи

Ҳозир айни ёз чилласи. Табиийки, бундай ис-
сиқда озиқ-овқат маҳсулотларини тез бузилади.
Натijaда, уни истеъмол қилган одам заҳарланади.

Эҳтиёт шарт!



ЁЗНИНГ

Маълумки, овқатдан заҳарланиш – турли юқумли ичак касалликларини кўзгатувчилари билан ифосланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Касаллик кўзгатувчилари озиқ-овқат маҳсулотларига уларни тайёрлаш жараёнида, нотўғри шарт-шароитлар ва сақлаш муддати ҳамда овқатни тайёрлаш ва истеъмол қилиш давомида шахсий гигиена қоидаларига риоя этмаслик натижасида тушади.

Таърибадан маълумки, маҳсулотларга етарлича термик ишлов берилиши, тўғри сақланиши ва ўз вақтида истеъмол қилиниши билан овқатдан заҳарланишнинг олдини олиши мумкин.

Бундай озиқ-овқат турларига асосан, гўштдан тайёрланган салатлар, сут маҳсулотлари, майонез, қаймоқ, сметана қўшилган маҳсулотлар кирди.

Нотўғри шароитда сақланган озиқ-овқат маҳсулотлари салмонелла, шигелла, стафилакокк, замбуруғли кўзгатувчилар учун энг яхши муҳит

БИРОК...



хисобланади. Организмга зарарланган овқат тушиб, бактерия инфекцияни кўзгайди. Заҳарланиш белгилари одатда бир-икки соатдан кейинқоқ намоён бўлиб, кўнгил айниши, қайт қилиш, ич кетиши, қорин ва бошдаги оғриқлар

билан кечади. Заҳарланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, қайт қилиш ва ич кетиши интенсивлиги кўпайиб, танани умумий ҳолсизлик чулғаб олади.

Юқорида қайд этилган ҳолатга тушмаслик учун озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишда, сақлаш, тайёрлаш ва истеъмол қилишда доимий ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик талаб этилади. Яна куйидаги асосий қоидаларга амал қилишимиз лозим:

- шахсий ва ишлаб чиқариш корхоналарида тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш жараёнида маҳсулот ёрлиғи, корхона номи, санаси, яроқлилик муддати, сақлаш шароитларига алоҳида эътибор беринг, ёрлиқсиз маҳсулот сифати кафолатланмаган бўлади;
- тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини – тез бузилувчи кремли кондитер маҳсулотлари, гўшти, баллиқли, сабзавотли салатларни бозордан, нотаниш шахслардан сотиб олмаг;
- саломатлигингизни ҳимоя қилиш ва овқатдан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш учун шифокор ва мутахассисларнинг маслаҳат ва тавсияларига амал қилинг.

Ноиба ҲАКИМОВА,
шифокор-мутахассис

101 ОҒОҲЛАНТИРАДИ

Маълумки, бепарволик натижасида чикқан ёнғин моддий ва маънавий зарар келтиради. Бунинг олдини олиш эса ҳар биримизнинг бурчимиз.

Кундалик ҳаётимизда табиий газдан резина шланглар орқали фойдаланиш, ёниб турган оловни назоратсиз қолдириш ва меъёрий техник талабларга жавоб бермайдиган, қўлбола электр воситаларини ишлатиш турли кўнгилсизликларни келтириб чиқаради.

Афсусланарлиси, айримлар била туриб, турли хил носоз электр мосламаларидан фойдаланадилар. Эскирган электр сими, носоз уланмиш мосламаларини вақтида

таъмирлатмайдилар. Бунинг оқибатида эса турли ёнғинлар келиб чиқиши мумкин.

Бундай ҳолга йўл қўймаслик учун соҳа ходимларининг тарғибот ва тушунтириш ишларини тўғри англаб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинса, "тилсиз ёв"ни жилавланган, ҳаётимиз ва мол-мулкимизни асраган бўламиз.

А. БАЙИРБЕКОВ,
ёнғин хавфсизлиги инспектори

Эълонлар

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI"
МЧЖ Тошкент минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "Agrolagistics Central Asia" МЧЖнинг 2020 йил 20 июлдаги 104-сонли бюротманомасига асосан, Тошкент вилояти, Пискент тумани, "Гулистон" МФЙ, Обиз қишлоғида жойлашган. Умумий майдони – 6,15 Га, қурилиш ости майдони – 40 920,8 кв.м дан иборат бўлган, янги қурилган "Замонавий иссиқхона иншоотлари" қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 40 532 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2020 йил 25 август кунни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар қабул қилишнинг охириги муддати: 2020 йил 21 август кунни соат 18:00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Мазкур мулк 2020 йил 25 август кунни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 9, 16, 23, 30 сентябрь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунни олдин соат 18:00 да тўхта-тилади.

Аукцион ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб, 10 иш кунни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабдорлар юқоридаги мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг ХАТБ "DAVR BANK" Амалиёт бошқармасидаги 22604000604920609002, МФО: 00981, СТИР: 207122519 х/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширигунга қадар тўлашлари шарт.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. Телефон: 71-237-23-91. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz. Лицензия RR-0001.

"SHOHRUH-MIRAHMAD" хусусий корхонаси (ИНН: 201207257; МФО: 01013; ОКОНХ: 14933) мулкдорнинг 20.07.2020 йилдаги 16-сонли қарорига кўра, ўз мақомини масъулияти чекланган жамият шаклига ўзгариштирилгани маълум қилади.

Даъволар 30 кун мобайнида куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 237-уй. Мурожаат учун телефон: 71 248-53-10.

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари жамоаси тахририятда узоқ йиллар самарали фаолият юритган фахрий журналист **Илхом СУЛТОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШДА ЯНГИЧА ЁНДОШУВ

Аҳолини қайта рўйхатга олиш доирасида мамлакатимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жойларда ўтказиладиган тадбирларда масъул ходим-

лар томонидан кенг жамоатчиликка ушбу тадбирнинг мақсади, вазифалари ва асосий тушунчалари ҳақида мунтазам равишда маълумот бериб борилмоқда.

2020 йил 17 март кунни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов раислигида ўтказилган Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича Республика комиссияси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги фармони ижросини таъминлаш мақсадида

вазирликлар, кўмиталар ва агентликларга муҳим топшириқлар берилган эди. Республика комиссиясининг 1-баёнида кўрсатилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти статистика бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш. Умидов, бошқарманинг "Демография ва меҳнат статистикаси" бўлими, вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри

бошқармаси ҳамда унинг туман (шаҳар) лардаги бўлимлари ходимлари билан биргаликда ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинлари, аҳоли пунктларининг чегараларини кўрсатган ҳолда схематик хариталарини тайёрлаш бўйича тегишли ишлар ташкил этилди. Натijaда, 2020 йилнинг 1 июнига қадар Тошкент вилояти ҳудудида 22 та туман ва шаҳарнинг 1 минг 42

Жараён

та маҳалла фуқаролар йиғинидаги жами 1 минг 393 та аҳоли пунктнинг схематик хариталари тўлиқ тайёрланди ва Давлат статистика кўмитасига республикада биринчилардан бўлиб тақдим этилди.

Шу билан бир қаторда, фармон ижроси юзасидан вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида амалга оширилаётган ишлар вилоят газета-журналларида атрофлича ёритилмоқда. Шунингдек, вилоят статистика бошқармаси веб-сайтида ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида фото, видео ва мақолалар мунтазам равишда тақдим этиб боришмоқда.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси Ахборот хизмати

Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон очик аукцион (www.e-auction.uz) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очик аукцион савдоларига куйидаги давлат активлари куйилади.

| № | Давлат объекти номи | Объект манзили | Балансда сакловчи | Объектнинг (шақланган) сотиш қиймати (сўм ва фойз кўриниши) |
|---|--|---|-------------------------|---|
| 1 | Нотуражой биноси | Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Бабушкина кўчаси, 27-уй | Олмалик шаҳар ҳокимлиги | 375 208 800 |
| 2 | Собиқ сил касалликлари шифохонаси биноси | Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Фурқат кўчаси, 11-уй | Олмалик шаҳар ҳокимлиги | 9 375 378 900 |
| 3 | Нотуражой биноси | Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Ал Хоразмий МФЙ | Бекобод шаҳар ҳокимлиги | 1 183 762 900 |
| 4 | Нотуражой биноси | Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, «Маърифат» МФЙ, Мовароуннаҳр кўчаси | Бекобод шаҳар ҳокимлиги | 667 360 100 |
| 5 | Нотуражой биноси | Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, «Булоқариқ» МФЙ, Шаҳринобод кўчаси | Бекобод шаҳар ҳокимлиги | 645 179 300 |

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2020 йил 21 июлдан бошлаб, объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб, ҳар 30 кун

муддатда соат 9:00 дан 18:00 гача ўтказилади. Савдоларда иштирок этиш учун кўшимча маълумотларни www.e-auction.uz сайтлари орқали олиш мумкин. Мурожаат учун манзил: 100072, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй.

Маълумотлар учун телефон: (71) 293-90-59. E-mail: toshvil@davaktiv.uz Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.davaktiv.uz. Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат ак-

тивларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (95) 340-80-10 рақамли Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади. **Савдоларга марҳамат қилинг!**

Хунармандчилик

ИЛДИЗЛАР МУЪЖИЗАСИ



Янгийул туманилик Бехзод Мадраимов хунармандчилик фаолиятини бошлаганига эндигина икки йил тўлган бўлсада, кўли гул уста сифатида кўпчиликнинг эътиборига тушиб улгурди...

— Мен асли муҳандисман, — дейди хунарманд. — Бир неча йил аввал Россияга ишлаш учун борганимда бир дурадгор билан танишиб қолдим...

Маҳсулотимизга қизиқувчилар кўпайиб, буюртмаларимиз сони орта бошлади. Бир томондан бизнинг рақобатчимиз йўқ эди...

Шу кунларда ҳам Бехзод аканинг устахонасида иш қизгин. У карантин талабларига риоя қилган ҳолда 18 нафар шогирди билан 150 турдаги уй-рўзгор буюмлари, иш журнали, сандиқчалар ясамоқда...

Зорларга етказиб берилмоқда. Қолаверса, экспорт режалари ҳам юришиб қолди. Хусусан, Саудия Арабистони, Германия давлатлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда...

— Биз "Устоз-шогирд" аъна-наси асосида таълим берадиган мактаб очмоқчимиз, — дея сўзи-да давом этди Б. Мадраимов. — Қувонарлиси, мазкур таклифи-миз туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди...

Зухриддин РАҲМОНОВ (Тошкент ҳақиқати) Мансур НАХАЛОВ олган суратлар

Тошкент воҳаси:



Хар бир жой номининг ўзига хос та-рихи ва маъноси бор. Улар маълум даврга бориб тақалади ва ўша даврда-ги воқеа-ҳодисалар, аънаналар ҳақида ҳикоя қилади.

Фанда географик жой номлари топоним-лар, уларни тадқиқ қилувчи илмий эса топонимика дейилади.

«Юқори, ба л а н д» сўзи билан боғлаб, «Юқори-даги, баланддаги шаҳар» деб талқин қилган.

«Йигирма уйлик шаҳар»

Заранкат — Заркент шаҳри номини кўпчилик олимлар зар, зарин «олтин, олтиндан бўлган» сўзи билан боғлаша-ди.

Пискент номини эса форс-ча «бис» — «йигирма» ёки сугдий «пиш-пис» — «нари (томон)» сўзлари билан боғланади, яъни «йигирма уйлик шаҳар» ёки «нари(то-мон)даги шаҳар» деб талқин этишади.

(Давоми бор)

Тарихчи А. Кубатин маълумотлари асосида тайёрланди

Паркент —

Юқоридаги шаҳар

Ҳозирги кунда Паркент туманига айланган Фаран-кат шаҳри номини кўпгаб тадқиқотчилар эроний тил-лардаги «фарн» — «қут-ба-рака, шон-шараф (шухрат)» сўзи билан боғлашади...

Ўзбекистонлик суғдшунос олим Мирсодиқ Исҳоқов эса бу топонимни суғдча «упар» —



Биллур бисотдан

Одамизод бу дунёдан ўтиб борар...

Қатор-қатор, қатор-қатор, қатор-қатор, Саф-саф бўлиб, саф-саф бўлиб, саф-саф бўлиб, Афзор-афзор, афзор-афзор, афзор-афзор, Йўқ-йўқ бўлиб, даф-даф бўлиб, ҳайф-ҳайф бўлиб — Одамизод бу дунёдан ўтиб борар.


Бу қаро ер ютмоқликдан толмагайдир, Улим асло ўз касбидан тонмагайдир, Во даруго! Бир кас манғу қолмагайдир — Одамизод бу дунёдан ўтиб борар.

Қарайману юрагимда тугар бардош, Қандай қилиб сизни асрай қор-қориндош? Қўзимда ёш, кўнглимда ёш, сўзимда ёш — Одамизод бу дунёдан ўтиб борар.

Ляънат айтиб, ляънат айтиб, ляънат айтиб, Раҳмат айтиб, раҳмат айтиб, раҳмат айтиб, Сукут айтиб, нола айтиб — тоят айтиб — Одамизод бу дунёдан ўтиб борар.

Қатор-қатор, қатор-қатор, қатор-қатор, Афзор-афзор, афзор-афзор, афзор-афзор, Кўз ёш каби тизилшиб, тизилшиб, Ингичка ип — бул ҳаётдан узилшиб... — Одамизод, одамизод ўтиб борар.

Давлатманду хору зорлар, бечоралар, Дили буту, дили йўғу, дилпоралар, Хўмфармо пошшоқлару фуқаролар — Одамизод бу дунёдан ўтиб борар...



Усмон АЗИМ, Ўзбекистон халқ шоири

Биродарим, "баландман" деб этма гурбат, Мен — дил бўлдим, сен, ҳеч қурса, бўлган суҳбат, Мен ҳам турбат, сен ҳам турбат — келса наъбат — Одамизод, одамизод ўтиб борар

Шанба сабоқлари

Газ плитамиз яхши ишламай қолди. Уста қидириб, ажиб ҳолатларга дуч келдим. Биринчи уста "инновацион" экан: "Уйимга опкеб ташанг, вақтим бўлса кўриб, айтаман. Бир кўриб қўйишим 300 минг бўлади. Тузалса ҳам, тузалмаса ҳам шу гап".

Иккинчи уста рус экан. Улар инсофли, ҳам бил-майдиغان нарсаси йўқ, дейишади. Устанинг рақамини териб, дардимни айт-дим. Плитанинг русумини сўради. Плита жонивор-нинг русумини айтишим биланоқ хайр-маъзурни-ям насия қилди. Яна бир устани мақташганди, уй-ига беш марта бордим, ярим ставкада ҳоким-по-ким бўлиб ҳам ишласа ке-рак, умуман уйдан топол-мадим.

Охири, маҳалладаги отахонлардан бири билан гаплашиб, шу мавзудан сўз очгандим, у бир тенгдош та-нишининг манзилини айтди. "Узоқроқда яшайдию, лекин ишининг пир", деди.

Топиб бордим. Йўл-йўла-кай гаплашиб келдик. 73 ёшда эканлар, ўғил-қизлари

уйли-жойли бўлиб кетишган экан. "Эрмакка, зеркиб қол-маслик учун шундай ишлар-ни қилиб турамизда, ўғлим", дедилар худди бу иш айб-дек. Уйга келиб, 20 дақиқа-да ишни тугатган уста газни ёқиб берди, на хид бор, на

оғайнимнинг ҳурмати қаер-да қолади, — дедилар.

Мен эса қанча сўрасалар беришга тайёр эдим. Шу боис, пул олмасалар хафа бўлишимни айтдим.

— Майли, ундоқ бўлса, ири-мига ўн минг берақол, миндан



бошқа муаммо. Яна: "Ўзим велиқда келавардим уйим сал узоқда, чарчаб қо-ламан бу иссиқда" дедилар. Уйларига обориб қўйишда ҳам гаплашиб кетдик. Ман-зилга етгач, иш ҳақи қанча бўлишини сўрадим. — Э, қўйсанчи, шу ар-зимаган иш учун ҳам пул олсам, манзилимни айтган

минг розиман, — дедилар. Қўзимдан ёш чикиб кет-ди. 50 минггалик бердим. Худди у киши мени эмас, мен у кишининг ишини ба-жаргандек узоқ дуо қилди-лар яна.

Инсоф дегани мана шу бўлса керак...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

ЧОРАСИЗЛИК ЧИЗИФИ



Ховлида озгина иш бор эди, ўзим вақт топол-май, мардикор олиб келадиган бўлдим. Улар тўпланадиган жойга бориб, машинани тўх-татгандим, беш-ўнтаси би-рдан ёпирилди. "Кунига саксон мингдан чиқаман, нима иш бўлсаям қилавераман", деди бир йигит.

Унинг кўзларидаги қандай-дир мунг мени фақат шу йигит-ни олиб кетишга ундади.

Одамзот қизиқ, ўзи 100 мингларни чамалаб келаётган эдим. Шундай бўлса-да, тор-тишдим:

— 60 минг бераман, гап та-мом.

У бир муддат жим турдию машинага ўтирди.

Уйга келиб кийимларини алмаштиришда, ишни бошла-ди. Ярим соатлар ўтгач, бан-када совуқ чай олиб, унинг кийимлари ёнига қўяётганимда бир ёзув дафтарчасига кўзим тушди.

Хусниҳатнинг чиройлили-ги эътиборимни тортиди. Унда "20.07.20. Ишим яхши бўлса, оймимга 20 минг, синглимга 20 минг, уйга 20 минг, майда-чуй-дага 20 минг", деб ёзилган. Лекин, негадир "уйга 20 минг" деган ёзув устига чизик тор-тилган. Демак, у кела-келгун-

ча мендан оладиган пулини ҳисоб-китоб қилган. 60 мингга кўнмаса, ишсиз қолишини ўй-лаб, айтганимга рози бўлган. Кейин оладиган пулининг уйга ишлатадиган қисмини ўчирган.

Одамлар бор, жарақ-жарақ пул топади, аммо синглиси ё

падиган пули арзимас бўлса ҳам оқибатни унутмаган мар-дикор йигитга тан бердим.

Аммо, тан бериш билан қо-рин тўярмида?

Ишни тугатгач, укамизга:

"Жуда яхши ишладингиз, ҳов-лимни гулдай қилиб қўйдин-

опаси тугул тукқан онасини ҳам бир йўқламайди. Акалик, укалик, фарзандлик бурчини унутиб қўйган баъзилар эса давраларда ҳеч кимга гап бер-майди, лекин суриштирсанг нечта ака-укаси борлигини ҳам эсидан чиқарган бўлади.

Шулар ҳақида уйларкан-ман, ҳалол меҳнати билан то-

гиз, раҳмат", деб икки ҳисса пул бердим. У аввал унамади.

"Энди фақат сизни опкеламан, кўлингиз гул экан", деганимдан сўнг рози бўлди. Разм солсам, чехрасидаги мунг таркагандай бўлди ва дуо қилди.

Қалби соф, ҳалол, содда одамларнинг бундай дуолари-дан кейин яйраб яшайсан...

Ҳикматлар

Ҳасан ал-Басрий ге'уғу:

Хусни хулқ бу — яхшилик улашмоқ, ёмонликдан тийил-моқ ва очиқ юзли бўлмоқдир!

Агар илму маъ-рифатнинг расми бўлганида у қуёш-дан, ойдан, осмону юлдузларданда гў-залроқ бўларди.

Эй, Одам фарзан-ди! Дунёдан олган насибанг сени асло муҳтожликдан чиқ-ра олмас, балки сен охирагдан оладиган насибангга муҳтож-роқсан.

Одам боласига хайронман... бошида икки қўриқчиси бор. Унинг тили у иккиси-нинг қалами, сўлаги эса сиёҳидир. Шун-дай бўлишига қара-масдан у бефойда сўзлар билан банд...

Дунё севгиси-ни кабира гуноҳлар қатори кўрмаган кишидан хайрон бўлганимчалик бош-қалардан хайрон бўл-маганман, Аллоҳга қасамки, дунё сев-гиси гуноҳи кабира-ларнинг ҳам қатта-роғидандир. Ахир, барча қатта гуноҳлар дунёга муҳаббат ту-файли эмасми?!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи — 205. Буюртма Г-743. 8 402 нусхада чоп этилди. Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Электрон почта: toshkenthqiqati@umail.uz // th-tp@inbox.ru

Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Ҳафтаининг қоршан-ба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусаҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи Сайдулла САЪДУЛЛАЕВ